

Санофи: COVID-19 муносабати билан Плаквенил препарати ҳақида муҳим ахборот

Тошкент, 1 август 2020 й. – Охири вақтларда биз ОАВда COVID-19 вирусини даволаш учун рўйхатдан ўтказилган кўрсатмалардан ташқари гидроксихлорохин препаратининг қўлланилишига тегишли мақолалар кўпайганлигини кузатмоқдамиз. Бу турли манфаатдор томонларда кўплаб саволлар билан боғлиқ.

Пациентлар хавфсизлиги – асосий устувор вазифамиз

Бугунги кунда мазкур препаратнинг COVID-19 вирусини даволашдаги самарадорлиги ва хавфсизлиги ҳақида аниқ хулоса қилиш учун етарлича клиник асослар йўқ.

Плаквенил препарати (гидроксихлорохин, плёнка қобик билан қопланган таблеткалар, 200 мг) (рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси DV/X # 02889/04/17) ишлаб чиқарувчининг расмий талабномасига кўра ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2017 йил 21 апрелда рўйхатдан ўтказилган. Мазкур препарат Ўзбекистонда қуйидаги кўрсатмалар бўйича қўлланиш учун рўйхатдан ўтказилган:

- Ревматоидли артрит; ювенил ревматоидли артрит; қизил тери сил касаллиги (тизимли ва дискоидли).

- Малярия (*P. falciparum* хлорохин-резистентли штаммларидан ташқари); *Plasmodium vivax*, *P. ovale* ва *P. Malariae*, шунингдек *P. Falciparum* сезувчан штаммлари томонидан чақирилган ўткир даражали безгак (малярия) хуружларини профилактика қилиш ва даволаш; *P. Falciparum* сезувчан штаммлари томонидан чақирилган малярияни радикал даволаш учун мўлжалланган.¹

COVID-19 вирусини даволаш учун ушбу таъсир этувчи модда препаратларидан ҳар қандай фойдаланиш препаратнинг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномада қайд этилган кўрсатмалардан ташқари қўлланилиши ҳисобланади.

Плаквенил препарати ҳар қандай буюрилган ҳолатда пациентларни Плаквенил препаратининг ножўя таъсирлари, шу жумладан препарат билан узоқ муддатли даволанаётган пациентларда кўриш қобилияти бузилишлари (кўриш майдони бузилишини ўз ичига олган ретинопатия), кардиотоксик таъсир (QT интервали узайишини ўз ичига олган юрак уриш маромининг бузилишлари, юрак қоринчаси аритмияси) ҳақида хабардор қилиш мажбурий ҳисобланади. Шунингдек, неврологик, гепатотоксик, тери ва аллергия реакциялар қайд этилиши мумкин.

Узлуксиз етказиб беришлар таъминланиши

Санофи учун асосий устувор вазифалардан бири – рўйхатдан ўтказилган кўрсатмалар бўйича тайинланган терапияни давом эттириш учун пациентларни Плаквенил препарати билан узлуксиз таъминлаш ҳисобланади.

Санофи компанияси COVID-19 вирусини даволашда ва профилактика қилишда гидроксихлорохиннинг сезиларли афзаллигини намоён қилмаган яқинда олинган тадқиқот натижалари ҳақида хабардор қилиш учун маҳаллий давлат соғлиқни сақлаш органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Плаквенил препаратининг тиббиётда қўлланилишига доир қўшимча саволлар пайдо бўлган ҳолатларда шифокорлар ва пациентлар +99890 9908748 телефон рақамлари бўйича Санофи тиббий ахборот хизматига мурожаат қилишлари ёхуд қуйидаги электрон манзилга хабарнома юборишлари мумкин: Saida.Khasanova@sanofi.com.

ПЛАКВЕНИЛ ПРЕПАРАТИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ ҲАҚИДА МУҲИМ ЭСЛАТМА

¹ https://www.sanofi.uz/-/media/Project/One-Sanofi-Web/Websites/Africa-Middle-East/Sanofi-UZ/Home/our-products/Instructions-of-medicines/Plaquenil_RU.pdf?la=ru

Гидроксихлорохиннинг тавсия этиладиган суткалик дозаси, одатда, тана вазнига қараб ҳисоблаб чиқилади: у катта ёшдаги пациентларда ревматоидли артритни даволаш учун бир суткада 200 ёки 400 мг ни ташкил этиши мумкин ва 6,5 мг/кг тана вазни/суткадан юқори бўлмаслиги керак; катта ёшдаги пациентларда тизимли қизил тери сил касаллигини даволаш учун бошланғич ўртача доза узок муддатли қўлланишда 200 дан 400 мг гача қувватловчи дозага ўтиш билан бир суткада 1 ёки 2 марта 400 мг ни ташкил этади. Ўткир даражали малярия хуружлари терапиясининг дастлабки суткаларида гидроксихлорохинни дозалаш 1200 мг дан юқори бўлмаслиги керак.

Гидроксихлорохиннинг асосий ножўя таъсирлари препаратнинг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномасида таърифланган бўлиб, улардан энг жиддийлари узок муддатли қўлланилгандан сўнг кўриш қобилиятининг бузилиши, шу жумладан, пигментация ўзгаришлари ва кўриш майдони нуқсонлари билан бирга ретинопатия, оғир даражали гипогликемия, шу жумладан хушдан кетиш ҳолатларидан иборат бўлиб, бу гипогликемик препаратлар қабул қилаётган пациентларнинг ҳам, қабул қилмаётган пациентларнинг ҳам ҳаётига хавф солиши мумкин. Кардиотоксик таъсирлар кам ҳолларда учрайди, бироқ гидроксихлорохин билан терапиянинг жиддий асоратлари таърифланган бўлиб, улар оғир даражали юрак ўтказувчанлиги бузилишларини (QT интервалининг узайиши, юрак қоринчаси аритмиясини) ўз ичига олади. Шунингдек, неврологик, жигар, оғир даражали тери касалликлари, аллергия реакциялар қайд этилган. QT интервалини узайтирувчи дори препаратларини (масалан, айрим микробга қарши препаратлар, шу жумладан макролидлар, шунингдек азитромицинни) қабул қилаётган пациентларга гидроксихлорохинни буюришда юрак қоринчаси аритмияси ривожланиш юқори хавфи туфайли эҳтиёткорликка риоя қилиш керак. Гидроксихлорохиннинг юқорироқ дозалари қўлланилганида ножўя таъсирлар хавфи ва жиддийлиги ошиши мумкин.

Соғлиқни сақлаш мутахассислари хавфсизлик бўйича муҳим ахборот акс эттирилган препаратнинг тиббиётда қўлланилишига доир тасдиқланган йўриқномаси билан sanofi.uz сайтида танишиб чиқишлари мумкин. Таркибида гидроксихлорохинни сақлайдиган препаратларни, худди шундай ҳар қандай бошқа дори препаратларини қабул қилаётган пациентлар тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномага риоя этишлари керак. Пациентлар ҳар доим соғлиқни сақлаш мутахассислари билан маслаҳатлашишлари керак ва Плаквенил препаратини шифокор буюрмаган ҳолатларда қабул қилмасликлари керак.

Пациентларда нохуш реакциялар мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам рўйхатдан ўтказилган кўрсатмалардан ташқари Плаквенил препарати (гидроксихлорохин) қўлланилган ҳолда, тиббиёт ходимларидан бутун ахборотни +99890 9908748 телефон рақамлари бўйича Санофи фармако-хавфсизлик бўлимига маълум қилишларини ёхуд қуйидаги электрон манзилига хабарнома юборишларини сўраймиз: Uzbekistan.Pharmacovigilance@sanofi.com.